



Хоразм вилояти

Жорий мавсумда Хоразм вилоятида 33 минг 200 гектар майдонга ғалла экилган эди. Очигини айтганда, Хоразм вилояти шароитида деҳқончилик қилиш бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча баробар кўп меҳнат талаб қилади.



«Омбор тўлиб, тўкилди дон...»

Хоразм деҳқонлари қисқа фурсатда 93 минг тоннадан ошиқ ғалла ҳосилини йиғиб олиб, улкан хирмон бунёд қилдилар

вога қараб ташкиллаштирилди ва бунинг натижасида жиддий зарар кўрилмади. Бир тарафда коронавирус пандемияси бошлангани аҳолини шошиштириб қўйди.

Бугун ғалладан мўл ҳосил олингани нафақат деҳқонларни, балки бутун халқимизни суонтирмақда. Зеро, инсон ҳаётида ҳамма зиротининг ўз ўрни бор, лекин ғалланинг, ноннинг ўрни алоҳида.

нинг ўрни жуда беқиёс. Шунинг учун ҳам ғалланинг ҳар бир бошоғи, ноннинг ҳар қайси майдга увоғи ҳам жуда қадриlidir. Айрим неъматларни ойлаб истеъмол қилмаслик мумкин.

Дарвоқе, Хоразм ғаллакорлари ҳар гектар майдондан 61,4 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлишди. Пандемия шароитида агротехник тадбирларни амалга ошириш ва ғаллани ўриб йиғиб олишда ижтимоий масофа сақланган ва карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ишлар ташкил қилинди.

Касаба уюшма кўмаги

Ғаллакорларимиз далаларда ҳали ҳосил мўл-лигини айтишмоқда. Қолаверса, шартнома режасини бажарган кўплаб фермер хўжаликлари ихтиёрида маълум миқдорда ғалла қолдирилган бўлиб, ушбу ҳосилни саховатпеша фермерларимиз эҳтиёжманд юрдошларимиз билан баҳам кўришмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари пандемия вақтида меҳнат қилаётган деҳқонлар учун яратилаётган шароит, иш ҳақларининг ўз вақтида тўлинишини назорат қилиб бори.

Шу кунларда деҳқонларимиз кўвончига шерик бўлиб, уларни бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳам юксак хирмон яратишга ундамоқдамиз. Қолаверса, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ фермер хўжаликлари томонидан кам таъминланган оилаларни камбағалликдан чиқариш мақсадида, фуқароларга доимий иш ўринлари яратиш ва уларга яратилган иш шароитларини ўрганишмоқда.

Шавкат САФАРБОВЕВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Самарқанд вилояти

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти касаба уюшма кўмитасининг ўтган тўрт йиллик фаолияти онлайн тарзда ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида муҳокама этилди.

Ҳисобот-сайлов конференцияси

Таҳлил ва талабчанлик асосида

Таъкидланганидек, ўтган даврда меҳнат ҳуқуқи ва муносабатларидаги барқарорлик, ижтимоий ҳимоянинг кафолатли тизими жамоат ташкилоти эътиборидаги асосий вазифа бўлиб келди.

Маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасида имзоланган жамоат шартномаси орқали 14 нафар ногиронлиги бор шахс, 3 нафар чин етим талаба, 25 та кам таъминланган оила вакиллари манфаати ҳимоя қилиб келинмоқда.

Онлайн тарзда ташкил этилган конференцияга талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда 103 нафар делегат сайланган эди. Масофавий тўсиқ ва алоқа воситаларидаги нуқсонлар боис 83 нафар делегат иштирок этди.

Катта ҳаётий ва соҳавий тажрибага эга бўлган А.Охунжонов кўпчилик овоз билан яна институт бошланғич касаба уюшма ташкилотчи раислигига сайланди.

Сирожиiddин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси раиси

Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бошланғич касаба уюшмаси кўмитасининг 2015 февралдан 2020 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолият якунлари ва навбатдаги вазифаларига бағишланган жамоат йиғилиши бўлиб ўтди.

Шартнома ижроси қониқарли

Унда бирлашма ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида 2017 – 2019 йилларга тузилган жамоат шартномаси шартларини 2019 йилдаги ижроси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда касаба уюшма кўмитасида 37 нафар аъзо мавжуд бўлиб, ўтган давр мобайнида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг тўлиқ бандлиги таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароити яратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Сўзга чиққанлар ушбу ҳужжатнинг ўтган йилги ижросини қониқарли деб баҳоладилар.

Шунинг билан, 5 йиллик фаолият таҳлили ҳам қониқарли топилиб, кўмитанинг янги таркиби сайланди. Кейин Баҳодир Ҳамиджонов раислигидаги фаолият овоз бериш билан тасдиқланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Ўрганиш

Айни пайтда Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, вилоят бандлик бошқармаси ҳамда вилоят давлат санитария-эпидемиология нazorати бошқармасининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ вилоятдаги фаолияти тикланган ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда қурилиш объектларидаги қурувчилар, мутахассислар ва бошқа тоифадаги ходимлар (ишчилар) учун иш ҳудудларида яшаш, ишлаш учун меҳнат муҳофазаси ҳамда ижтимоий-маиший шароитларнинг яратилганини доимий назоратга олишган.

Карантинда ишлаётганларга эътибор қандай?

Ишчи гуруҳлар 98 та ишлаб чиқариш, 159 та қурилиш объектида, 20 та хизмат кўрсатиш ва 15 та савдо шохбасида меҳнат шароитлари ҳамда карантин талабларига ҳамоҳуқ этилишини ўрганиб, санитария-гигиена талаблари ҳамда ишларни хавфсиз амалга ошириш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ишлаб чиққан коронавирус пандемияси даврида меҳнат масалалари бўйича тавсияномалар нусхаси кўпайтирилиб, фаолият ўрганилган корхона, ташкилот ва муассасаларга тақдим этиб бориляпти.

Ўрганишлар мобайнида Қарши шаҳрида жойлашган «Давр темир бетон сервис» МЧЖда ишлайдиган 55 нафар, «Кўприк-йўл қурилиш бошқармаси» МЧЖда ишлайдиган 65 нафар, Қарши шаҳрида жойлашган «Қашқадарё пармалаш ишлари» АЖда ишлайдиган 320 нафар, Косон туманида жойлашган «Нефт газ қудуқларини синаш» АЖда ишлайдиган 580 нафар, Қарши шаҳрида жойлашган «Қашқадарё технологик транспорт» АЖда ишлайдиган 328 нафар, «Минора қурилиш экспедицияси» АЖда ишлайдиган 415 нафар ходимларнинг иш ҳақлари берилмагани аниқланди ва ушбу ташкилот раҳбарларига иш ҳақларини ундириш бўйича кўрсатма киритилди.

Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига фуқаро Дилноза Тўраевани, Деҳқонobod тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғига Соҳиба Заргуловани ишга тиклаш бўйича кўрсатма киритилди ва улар ишга тикланди.

Шамсиддин САТТОРОВ, Анвар ХўҲАҚУЛОВ, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари

Рухий босим пандемияси ёхуд ахборот асридаги муаммолар хусусида

Ахборот майдони жуда кен бўлган даврда яшашимиз. Бу ҳолат инсонлар руҳиятига ижобий ва салбий жиҳатдан қандай таъсир кўрсатади?

Дарҳақиқат, бугун дунёда ахборот таъсири жуда кучли. 1941-45-йилларда яқинлари урушга кетган инсонлар бир хатнинг етиб келишини ойлаб кутишган бўлса, ҳозир бундай хабарни бир лаҳзада манзилига етказиш мумкин. Агар ахборот мазмуни салбий бўлса, инсонларнинг безовталигига сабаб бўлади.

Сўнг бу ташқарига агрессия бўлиб чиқади. Бундай ҳолатда инсоннинг норозилиги оиласи ва яқинларига нисбатан кучаяди. Агар турмуш ўртоғи бўлса, дастлаб унга ўз норозилигини қандайдир йўл билан намойиш этади.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда расман тасдиқланмаган сохта маълумотларни тарқатиш имкони кенг. Одамлар кўпинча у ердаги олди-қочди ва керакисиз маълумотларга қувватини сарфлаб қўяди.

Сиз хориджа яшасангиз ҳам онлайн тарзда юрдошларимизга психологик маслаҳатларингиз билан кўмак берар экансиз. Айтинг-чи, айни пайтда сизга кўпроқ қайси мавзуда мурожаатлар бўлмоқда?

Мен малакали ҳамкасбим Ижобатхон Отақузиёвнинг таклифига биноан Ўзбекистондаги аёллар учун онлайн тренинглар ўтишни бошладим. Бу тренингларда ҳамкасбим билан турли ёшдаги аёллар ва юрдошларимизнинг муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилдик. Шу кеча-кундузда кўпроқ ижтимоий муаммолар ва молиявий



муаммолар билан боғлиқ мурожаатлар кўп учрамоқда.

Энг кўпи оилавий кўйди-чикди – турмуш ўртоғи билан, унинг оиласидаги аёллар – қайнона, қайинсингил ва қайнопа ҳамда овинин билан муносабатлардаги муаммоларнинг салмоғи кўп. Бундай муносабатлар натижасида аёллар руҳий жиҳатдан қийналаётгани, эзизлаётгани ва касал бўлиб қолаётгани, вазиятга қарши курашишга ўзларидан куч топа олмаётганини айтишади.

– Айни пайтда Германияда «Тинчлик қишлоғи» ижтимоий марказидаги фаолиятингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз...

– Ҳозирда мен «Friedensdorf» яъни, «Тинчлик қишлоғи» номли ижтимоий тиббий ташкилотда фаолият олиб бораман. Бу ерда тепа қаватдан тушиб кетган ёки енгинда, портлашга қолиб кетган болаларни руҳий жиҳатдан операцияга тайёрлаймиз. Чунки улар кўплаб қўрқув ва даҳшатларни бошидан ўтказган, кучли нарқозлар олган бўлишди.

– Карантин даври ва коронавирус билан боғлиқ вазиятлар одамлар

психологиясига қандай таъсир қилляпти, деб ўйлайсиз?

Карантин даврида биз оилавий муносабатлар ҳақида кўпроқ салбий фикрлар эшитяпмиз. Лекин бу карантин таъсири эмас. Карантин даври қалбимизда бор норозиликларни юзга чиқариб бермоқда. Бу – тома-тома кўл бўлиб, коса тўлгани-ю, ташқарига отилиб чиққанининг ифодаси.

Соғлом оилада болалар биринчи ўринда туради. Уларда ота-онанинг, ака-уканинг, опа-сингил ҳамда бобо ва бувайларнинг ҳам диққати болаларга қаратилгани боис, бундай оилаларнинг келажаги мустаҳкам бўлади. Карантиндан аввал кўпгина замонавий хонадонларда бутун оила бир бўлиб овқатланиш ҳолати камеб ҳодисага айланиб кетаётган эди.

– Ташкил сўхбатингиз учун муаммолар!

Зебо НАМАЗОВА сўхбатлашди

# «Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак»



## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФ

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар амалий натижасини бермоқда. Бу йўналишда янги қабул қилинган қонунлар, жорий этилаётган таъсирчан, аниқ механизмлар, миқдори тобора ортиб бораётган оқлов ҳужжатлари – бу каби ижобий ҳолатлар юрtdошларимизда адолат, бахтли ҳаёт ва келажаққа ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Суд-хуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар халқро қўламда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, яқинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, шунингдек, АҚШ Давлат департаменти ўз ҳисоботларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар, хусусан, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш ва одил суд-хуқуқ соҳасидаги барҳам бериш борасидаги ислохотларга ижобий муносабат билдирди.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси **Диего Гарсия-Саян** Ўзбекистонга амалга оширилган таърифи юзасидан ўз маърузасини БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг навбатдаги сессиясига тақдим этди. Ушбу маърузада мамлакатимизда кейинги йилларда суд-хуқуқ тизимида эришилган ижобий натижалар алоҳида таъкидланган.

Диего Гарсия-Саян, авваламбор, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат институтлари ва сиёсатни ислохот этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқилганга халқро ҳамжамият эътиборини қаратган. Ҳозирги даврда одил судлов тизимида амалга оширилаётган ислохот ана шу дастурнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

БМТ Махсус маърузачиси Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимини баҳаришга киришган пайтидан бошлаб амалга оширилган муҳим ишлар қаторида, жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва хуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлашга қаратилган ислохотнинг 8 та амалий натижасини бирма-бир санаб ўтган.

**Биринчи натижа** – суд ҳокимияти ва судлар хизмати ташки сиёсий босимлардан муҳофиза қилиш борасида кенг вақолатларга эга бўлган конституциявий орган сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилган.

**Иккинчи натижа** – суд тизими қайта тuzилган, хусусан, Олий ҳўжалик судига тегишли вазибалар Олий суд тасарруфига ўтказилган, маъмурий ишлар бўйича судларнинг янги тизими яратилган ҳамда Адлия вазирлиги зиммасидаги судлар фаолиятининг маъмурий жиҳатлари билан боғлиқ айрим маъмурий ва техник функциялар Олий суд ҳузуринда янги ташкил этилган. Судлар фаолиятини таъминлаш бўйича департамент ихтиёрига берилган.

**Учинчи натижа** – прокурорларга нисбатан муносабатда судьялар мустақиллигини ўзинга ҳок курсаткичи сифатида, жиноят ишлари бўйича оқлов ҳужжатлари миқдори изчил ортиб бормоқда.

**Тўртинчи натижа** – судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилган.

**Бешинчи натижа** – судьялар алмаштирашнинг кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чоралар қўрилган.

**Олтинчи натижа** – судьяларни бирламчи ва узлуксиз тайёрлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган, шу жумладан,

Судьялар олий кенгаши ҳузуринда Судьялар олий мактаби очилган.

**Еттинчи натижа** – судлар қарор-суд мун-эъл-рил-ловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борадаги шаффоқлиқни оширишга қаратилган электрон тартиб-таомиллар босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

**Саккизинчи натижа** – коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат соҳасида бир қатор жуда муҳим ислохотлар амалга оширилган, хусусан, Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган ва бундай чораларни амалга ошириш учун таъсирчан механизмлар яратилган.

Д. Гарсия-Саяннинг фикрича, ушбу чора-тадбирларни том маънода мустақил ва холис одил судлов тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблаш лозим. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқатан ҳам мустақил бўлишига эришиш ҳамда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ўз касбий фаолиятини ҳеч қандай асоссиз аралашувлар ва босимлар тизимини, эркин амалга оширишларини таъминлаш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак бўлади.

БМТ Махсус маърузачиси бу борада бир қатор тавсиялар ҳам берган.

**Биринчи тавсия:** ислохотларни давом эттириш, хусусан, суд ислохотларини халқро стандартларга мос равишда амалга ошириш;

**Иккинчи тавсия:** судлар фаолиятини бошқа ҳеч қандай органларнинг аралашмаслигига эришиш;

**Учинчи тавсия:** Судьялар олий кенгаши вақолатларини кенгайтириш;

**Тўртинчи тавсия:** олий юридик таълимни ривожлантириш;

**Бешинчи тавсия:** суд тизимида гендер тенглигини, яъни аёл судьялар ҳам ишларини таъминлаш ва ногиронлар одил судлов имкониятларидан бошқалар билан тенг асосда фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиш.

Ушбу тавсияларнинг аксарияти ўтган кўнра даврда амалга оширилган ва ишорилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимининг навбатдаги босқичида белгилаб берган янги вазибаларнинг моҳияти ҳам БМТ Махсус маърузачисининг бу борадаги фикрлари билан уйғун ва ҳамохандир.

## ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришларга маҳул бўлиб, олдимизда турган муҳим ишлардан чалғиб қолмаслигимиз керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, «халқимиз суд-хуқуқ тизиминида рози, дейишга ҳали эрта».

Биргина мисол: сўнги 3,5 йилда суриштирув ва тергов жараёнида қийноқларга йўл қўймаслик бўйича жиддий ва ортага қайтмайдиган ислохотлар амалга оширилди. Аммо, афсуски, Андижон шаҳар ва Чироқчи тумани ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар туфайли икки нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Бундай нохуш ҳолатлар, бир томондан, қийноқ қўрбонлари яқинларининг

тизим раҳбарларидан эмас, давлатдан норози бўлишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан, соҳадаги айрим ходимларнинг лоқайдлиги ва билимсизлиги кенг жамоатчилигимиз ва халқро ҳамжамият кўз ўнгига ислохотларимизни обрўсизлантирмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси** доирасида 53 та норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халқро шартномани ратификация қилиш – жами 98 та ҳужжат устида изчил иш олиб бориш белгиланган.

Хусусан, суд фаолиятига оид 5 та Кодекс, яъни Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекс, Фуқаролик кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янги тахрирда ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асослари ҳам шакллантирилди. «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида» ҳамда «Бепул юридик ёрдам тўғрисида»ги янги қонунлар ишлаб чиқилди.

Аммо, қонунларнинг қабул қилиниши, ўз-ўзидан, одил судлов сифатини оширишга олиб келмаслиги бор гап. Шунинг учун Президентимиз бу борада муайян янги ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, ҳозирги кунда фаолият юритаётган судьяларнинг атиги 14 фоизи, яъни 147 нафарини аёллар ташкил этишини инобатга олган ҳолда, гендер тенгликка эътибор қаратиш лозим. Суд статистикаси ошқоралигини таъминлаш ҳам бутунги куннинг муҳим вазифасидир.

Давлат раҳбари қайд этганидек, ички ишлар идоралари маъмурий бинолари, жазони ижро этиш жойларига ўрнатилган барча кузатув камералари Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратида улашини таъминлаш зарур.

Судлар ва хуқуқни муҳофиза қилувчи органлар тарафидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқро шартномалар нормаларини қўллаш амалиятини кенгайтириш давр талабидир. Дастлабки амалий қадамлардан бири – суд залида темир панжаралардан фойдаланишни бекор қилиниши бўлиб, бу ҳам инсонпарварлик тамойили амалда эканини кўрсатади.

Судьялар, умуман, юристларнинг халқро хуқуқ соҳаси бўйича саводсизлиги энг катта муаммолардандир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга Омбудсман ва Тошкент давлат юридик университети билан бирга «**Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият**» махсус ўқув модулини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди. Ушбу модул бўйича тасдиқланган аниқ жадвал асосида хуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш ташкил этилади.

## САЛОҲИЯТСИЗ СУДЬЯ – ТОБЕ СУДЬЯДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

Мамлакат раҳбари жорий йилда аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 18 мингдан зиёди ёки 44 фоизда судларда ишлар тўлиқ ва холис қўрилмаётгани, узок муддат қўзилаётгани билдирилгани хусусида тўхтади. Айрим



**Акmal САИДОВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

вилоятларда жиноят ва фуқаролик судлари, маъмурий ва иқтисодий судлар устида шикоятлар кўпайгани тавиш уйғотмай қолмайди.

Шу нуқтаи назардан, парламент депутатлари ва сенаторлари ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчилиқни жалб қилган ҳолда, одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий мулоқотларни давом эттиришлари лозим.

Ўтган йили иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибиде қўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиги, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Президентимиз ҳақли танқид қилганидек, бу – ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгартирилган, тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

Шу боис суд ҳокимияти соҳасининг масулларига илгोर тахриблар ва халқро стандартлар асосида суд тизимини «**бир суд – бир инстанция**» тамойили асосида қисқа фурсатда қайта қўриб чиқиш тавсия этилди. Бунда туман (шаҳар) ва вилоят судлари ҳамда Олий суд вақолатлари аниқ чегаралаб қўйилди. Туман ва шаҳарда ишлар фақат биринчи босқичда, вилоятда – апелляция, Олий судда эса кассация шаклида қўрилади.

Эндиликда суд тизимида эскилик саркити бўлган «**назорат тартибиде ишларни қўриш**» амалиятдан тўлиқ воз кечилади. Зеро, бу амалиёт суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмаслиги унинг номидан ҳам қўриниб турибди.

Давлат раҳбари судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказадиган барча омилларни бекор қилиш зарурлигини қайд этди. Хусусан, **Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг пропост келтириш ҳуқуқини бекор қилиш** бўйича тақлиф парламент палаталарида қўриб чиқилди.

Йиғилишда айрим судьялар қарор чиқаришда фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланмасдан, тергов материалларига боғлиқ қолаётгани ҳам танқид қилинди. Бинобарин, бундай ҳолатлар қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказида.

Бундан буён суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда мажбурий қайд этиш тизимини жорий этиш зарур. Токи, **одил судлов халқини кўз ўнгига очик-ошқора амалга оширилиб, адолат қарор топсин.**

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бутунги давр талабидир. Жорий йил якунига қадар **Олий судда ягона «Адолат» ахборот тизимлари комплекси ишга туширилади.** Бунда барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларини электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

«**Суд фаолиятига аралашушга ҳеч қимнинг ҳақиқий йўқ, деб таъкидлади** Президентимиз. Судларнинг фуқаро ва тадбиркорлар фойдасига чиқарган қарорлари туфайли бирорта раҳбар уларга таъйик ўтказишга ҳаракат қилса, ислохотларимизга хиёнат қилган бўлади.

**Салоҳиятсиз, яъни билимсиз, тахрибасиз ва уқви йўқ судья тобе ва қарам судьядан кўра хавфлироқдир.** Шу маънода, суд ҳамжамиятининг маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Судьялар олий кенгаши, айниқса, Судьялар олий мактаби фаолиятида шаффоқлиқ ва холисликни таъминлаш лозим. Судьялар олий кенгаши таркибининг ҳам халқро стандартларга асосан такомиллаштириш тақозо этилади.

Бутунги давр ҳамда шиддатли ислохотлар сурияти судьялар ва хуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ходимларининг касб малакасини доимий равишда ошириб боришни талаб қилмоқда. Ўтган йили Судьялар олий мактабиде судьяларнинг 12 фоизи, яъни 155 нафари ва суд ходимларининг 2,7 фоизи – 85 нафари малака оширилган.

Бу ишларни янада кенгайтириш зарур. Бунда, коронавирус карантини шароитидан келиб чиққан ҳолда, масофавий таълимни йўлга қўйиш лозим. Зеро, суд тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва мунтазам малакасини ошириш – қонуний, холис ва одил судловнинг муҳим омилдир.

## АДВОКАТУРА – ОДИЛ СУДЛОВНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Одил судловни таъминлаш учун инсон ҳуқуқларини мустақил ва ишончли химоя қилувчи ана бир муҳим тизим – адвокатура институтининг муносиб ўрни ва мавқеини таъминлаш даркор. Бинобарин, одил судловнинг ажралмас қисми бўлиши ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни беқеъсидир.

Маърузада ушбу соҳага тааллуқли бир қатор рақамлар келтирилди:

- Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокат фаолият кўрсатмоқда;
- юртимиздаги 8,5 минг аҳолига ўртача битта адвокат тўғри келади;
- адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда;
- вилоятларнинг 20 та туманида бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Президентимиз бу йўналишда ҳам бир қанча вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

- адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этиш бекор қилинади;
- талабалиқдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартиби жорий этилади;
- юридик олий ўқув юртралида «адвокатлик фаолияти» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон таллаш тизимини ишга туширилади. Бу тизим дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади;
- ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, бундан ташқари, қамоққа олиш уй қамони тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи, қўриб чиқилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилади;

ган шахсларнинг иши бўйича, бундан ташқари, қамоққа олиш уй қамони тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи, қўриб чиқилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилади;

- адвокатлик фаолияти жозибдорлигини ошириш, бу касб эгаларининг химояси ва кафолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилиб, кенг муҳожама учун эълон қилинади.
- Шу маънода, Миллий стратегия доирасида ишлаб чиқилган «**Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида**»ги қонунда қийдаги муҳим омиллар қамраб олингани эътиборга молик:

- адвокатлик фаолиятини ташкил этиш, адвокатлар мустақиллигини кафолатлари ва уларнинг дахлсизлигини таъминлаш;
- адвокатурани аҳоли ишончини қозонган институтга айлантириш, профессионал ҳуқуқий ёрдам сифатини ошириш ва адвокат касбининг нуфузини юксалтириш;
- суд жараёнида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ таъминлаш назарда тутилади.

## ПРОКУРАТУРА ВА ТЕРГОВ: МУАММОЛАР БОР, ЕЧИМЛАР ҲАМ

Давлатимиз раҳбари ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслигини танқид қилди.

Мисол учун айтсак, жорий йилнинг 5 ойида тергов органлари асоссиз айб қўйган 323 нафар фуқаро судларда оқланган, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Хуқуқ-тартибот идораларида ишларнинг терговга алоқдорлиги бўлиб кетгани қаттиқ танқид остига олингани бежиз эмас. Хусусан, шундай жиноят турлари беркор, уларни ҳар қандай тергов идораси тергов қилиши мумкин бўлса, айрим моддалар эса қайси тергов органига мансублиги қонунда кўрсатилмаган.

2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган. Шунга қарамай, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмагани ажабланарлиқдир.

Президентимиз уқтирганидек, эндиликда тергов жараёнидаги ҳатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозим.

Миллий стратегияда прокуратура органлари фаолиятини халқро стандартларга асосан такомиллаштириш кўзда тутилган. Бунда:

- **биринчидан**, халқро стандартларга мувофиқ прокуратура фаолияти устидан назорат механизмларини мукаммаллаштириш;

- **иккинчидан**, прокуратура фаолиятининг шаффоқлиги ва унинг ҳимият олдидеги ҳисобдорлигини таъминлаш, прокурорлар мажбурий узлуксиз ошириш;

- **учинчидан**, прокуратура тизимини бошқарувда коллегиал органлар ролини кучайтириш назарда тутилган.

- Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз белгилаб берган долзарб ва муҳим вазифалар мамлакатимизда одил судловни тўлиқ таъминлашга ҳизмат қилади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «**Одил судловсиз эса, коррупция авж олиб, инсон ҳуқуқлари поймол бўлаверади, инвестор, тадбиркор, одамлар давлатга ишонмай қўяди**».

# ФОЙДАЛИ «САРВҚОМАТ»

## ёхуд ноёб дарахт хусусиятлари



Суратда: Мирзанозир Қорабоев

Павловния дарахти ҳақида ҳеч эшитганми? Эшитганлар бор, аммо улар озчилик бўлгани боис, бу дарахт кам учрайди. Ушбу сербарг ниҳолнинг вақти келиб, бир ойлага яхшигина даромад келтиришини кўпчилик билганида борми, бугун кўп-кўп лаб хо-

надонларда бу сарвқома «малика дарахти» буй чўзиб турган бўлар эди. Павловния дарахтлар орасида тез ўсиши билан бирга тик қомаги, чиройли гули, баргининг озқувийлиги, энг муҳими, ёғочининг қимматбахолиги билан бошқалардан ажралади туради. Унинг ёғочи қурилишда энг сифатли материал ҳисобланади. У торли чолгу асбоблари ясаш, мебель, эшик, ром ва ҳунармандчилик, ўймакорлик ишларида ниҳоятда осон шаклга кириши, тез қуриши, енгиллиги билан ҳам харидоригир.

Маълумотларга кўра, ёнувчанлик хусусияти ниҳоятда пастлиги, шакл ва ҳажми ўзгармаслиги сабабли халқро амалиётда самолётсозлик, кемаосозлик ва автомобильсозликда ҳам ушбу дарахт ёғочидан фойдаланишга қизиқиш ортмоқда.

Павловниядан асал ҳам олинади. Унинг гуллари нектарга жуда бой. Улардан олинган асал шаффоқ

рангда бўлиб, хўшбўйлиги ва дориворлиги билан ажралаб туради. Павловния гулининг асали юқори нафас йўллари, ўпка ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволашда жуда ҳам фойдали ҳисобланади. Дарахт баргларининг диаметри 100 сантиметргача бўлгани боис уларни бемалол «кислород заводи»га қийслаш мумкин.

Павловния тез ўсувчанлиги туфайли ўрмонзорлар яратиш учун ҳам қўлай. Айниқса, унинг манзарали турлари ҳар қандай богга кўрк бағишлайди. Дарахтнинг тўқилган баргларида чорвачиликда ем-хашак сифатида бемалол фойдаланса бўлади.



– Ховлимга икки йил олдин эккан Павловнияларим ҳозир менинг бўйимдан икки баравар баянд келади, – дейди наманганлик Мирзанозир ака Қорабоев. – Бу дарахтни ниҳоллигида икки метр оралиғида экканам. Агротехника ҳам унча

## Янгилик

ўсади. Олти-саккиз йилда дарахт кесилиб, ундан юқори сифатли ёғоч олиш мумкин. Хулоса, «сарвқома» дарахтининг турган-битгани фойдали. У терак билан солиштирилганда, 10 кунда икки ҳисса тез ўсади. Ноёб хусусиятли бу дарахт қўчати юртимизда ҳам дастлаб синов тариқасида Марғилонда етиштирила бошланган бўлса, ҳозирда Наманган заминида ҳам бу ниҳоллар кўкка ўрламоқда.

Йигирмадан ортик турга эга бўлган ушбу дарахт қириндисидан сифатли «пеллет» ёқилғиси ҳам олинади. Пеллет ёғоч чиқиндиларидан ишлаб чиқарилган ёқилғи грануларини бўлиб, у экологик тоза мўқобил иссиқлик энергияси манбаидир. Халқро бозорда бир тонна «пеллет»нинг нархи тахминан 100-200 евро нархида баҳоланиши, ёғочининг дунё миқёсида харидорлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кони фойда дарахтни ҳар бир ҳонандеда экиш фойдалан холи эмас.

Орзуғул РУСТАМОВА,  
«ISHONCH»

# КАТТА БЎШЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Шахсий фикр



## Давлат таълим стандартлари қанчалик оқилона тузилган?

Таълим – шахнинг маданий жиҳатдан ривожланишини таъминловчи муҳим омил. Бинобарин, шахнинг ривожланиши жамиятнинг, давлатнинг ривожланишидир. Шунинг учун ҳам ижтимоий етуқ, фаол шахсни шакллантириш вазифаси ўз келажигани уйлаган давлатларнинг муҳим сийсати бўлиб келган.

«Мақтаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устaxonасидир, агар келажикни қўлдан чиқаришни истамсанг, мактабни қўлда мустақкам тутмоғинг керак...» Мақтабнинг вазифаси муайян йилларни беришдангина иборат эмас, балки шу билмиларнинг жонли ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлиги ва улар қай тарзда шу ҳаётни ўзгартири олишини кўрсатишдир. Француз ёзувчиси Анри Барбюсснинг ушбу сўзлари бугун ривожланган мамлакатларнинг мактаб таълимиде ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонга бундан тахминан йигирма йиллар аввал кириб келган, шунингдек, 2017 йилда иккинчи мартаба қабул қилинган Давлат таълим стандартлари моҳиятан ана шундай талабларни мактаб таълимига қўйиши мумкин эди. Лекин ДТСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида жиҳатид педагогик, психологик, социологик хатоларга йўл қўйилгани учун ҳам бугун биз унинг фақат номинигина кўриб турибмиз, холос...

### АСЛ МОҲИАТ

Давлат таълим стандартлари, ўз моҳияти кўра, асосий таълим программаларини ўзлаштириш ва эгаллаш натижаларига бўлган умумий талабларни белгилаб беради. У таълимни ва болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ўқиш, билим олишга бўлган иштиёқини ривожлантириш, малакаларини ҳаётда қўллаш олишларига имкон яратиш, мактабга ва бошланғич таълим, ўрта умумий таълим, махсус касб-хуна таълим ва олий таълимдаги узвийликни таъминлаш ва уни назорат қилишни йўлга қўйди. Шунингдек, ДТСнинг асосий вазифаси таълим ишларидаги мавжуд муаммоларни, яъни таълимни ривожлантириш, ўқувчиларни ривожлантиришни (эйтибор беринг: билмлар тизимини таъминлаш эмас) тизимли равишда ҳал қилиш, ижтимоий талаблардан келиб чиққан ҳолда, мактабга ва мактаб битирувчисига бўлган давлатнинг талабини татибга солиш эди. Лекин бизда амалдаги ДТС бу вазифаларни бажара олмади. Нима учун?

### МУАММО ҚАЕРДА?

Ҳали биринчи ДТС «ҳазм» бўлмай туриб, иккинчи мартаба ДТС ишлаб чиқиш, у «компетенциявий ёндашу» сифатида амалиётга татиқ этиляпти. Таълимда компетенциявий ёндашу нима? Компетенциявий ёндашу бундан қилинган илмий-тадқиқот ишларининг залвориди қандай? «Компетенциявий» ДТС деган биз учун бегона бўлган сўзни четдан олиб кирмай, уни ўзимизнинг этник лугатимиздаги сўз билан ифо-

даласак бўлмайдами? Четдан келган деб кейинги сафар метакомпетенциявий, мета-предметлилик ва ҳ.к. янги сўзларни ўринли-ўринсиз ишлатаверимизми? Ундан кейин нима, ДТСлар ҳар тўрт йилда чиқадиган ўқув дастурими?

Шуни ёдда тутиш керакки, турли педагогик технологиялар, инновация таълим тизимига кириб келар экан, аввало, бу технологиялар замирида илмий асос бўлиши ва бу технологиялар қўлланиши натижасида шахс камолоти ва жамият тараққиёти ривожланиши қафолланган бўлиши керак. Farbга 50-60-йилларда кириб келган педагогик технологиялар фақат ана шу мақсадларда қўлланилган ва то ҳозирги кунгача бу принципдан четга чиқилган эмас. Булар: ижтимоий-маданий муҳитнинг таҳлил қилиниши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, моддий-техник база, педагогик-психологик шарт-шароитлар, таълим тараққиёти, шахс камолоти ва жамият ривожланишининг қафолланган натижаси. Лекин бизда бу принципларнинг бирортаси ўз ифодасини топмади, балки «сақраб» ўтилди. Натижада, биз амалиётда «шахс камолоти ва жамият тараққиётининг қафолланган натижасини» кўришимиз қийин бўлиб қолди.

Таълимда «анархияга йўл қўйиб бўлмайди». Бу мумкин эмас! Ҳар қандай инновация, педагогик технология қўйиб келишидан аввал шароитга мослашиши керак. Қўлланилмоқчи бўлган ҳар қандай янгилик, технологиялар ўқитувчилар, олимлар, психологлар, социологлар, жамоатчилик орасида кенг муҳокамага қўйилиб, фақат «рози» тарафлар эмас, балки «қарши» тарафлар аргументлари ҳам чуқур таҳлил қилиниши шарт. Биз ана шу принципларда қаттиқ турмадик, оқибатда шахс камолотига, таълим тизими ва жамият тараққиёти қилиб, юксалишига ўзимиз тўғнақ бўлиб қолдик. Биз бевосита халқимизнинг интеллектуал турунлиги сабабчиси айландик. Бундан олимларимиз керак. Биз ДТС борасида ўқитувчиларга шарт-шароитлар, моддий-техник база яратиш ўрнига уларнинг ишларини мураккаблаштириб юбордик. Натижада уларда ўқитиш, ўқувчиларда эса таълим олиш мотивацияси пасайиб кетди.

**ДТСлар ўз-ўзидан вужудга келмайди ва амалиётда дарҳол қўлланилмайди. Бу ниҳоятда кенг қўламли, залворли илмий-тадқиқот ишларини талаб қиладиган жараён!**

Аввало, ижтимоий-маданий муҳит аҳоли таҳлил қилинади, иқтисодий шарт-шароитлар, моддий-техник база яхшилаб ўрганилади. Стандарт талаблари билан боғлиқ жуда кенг қўламли, залворли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Масалан, Россия таълим академияси ва унинг қошидаги бир неча педагогика, психологика илмий-тадқиқот институтилари йиллар давомида педагогик, психологик, социологика илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган ва 1993 йилда Россия ДТСларини ишлаб чиқилган. Бу ишлар адаптациядан кейин 2004 йилда тасдиқдан ўтган.

Бизда эса биттагина Халқ таълими вазирлиги қошидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бор. ДТС тасдиқдан ўтган вақтда стандартлар киритилиши билан боғлиқ қўл билан санокли ишлар бошланган бўлса-да, ҳали тугалланмаган эди.

Умуман олганда, кўпгина давлатларда стандарт қўлланилади. Улар айрим мамлакатларда Миллий дастур, деб аталади. Замон талаби, эҳтиёжга мос равишда бизникидек

ҳар 4 йилда янги эмас, ҳар ўн йилларда ўзгартириш киришиб борилади. Масалан, Японияда 1990 йиллардаги қайта кўриб чиқилган таълим стандартларининг мақсади ўқувчиларни XXI аср талабларига тайёрлашни назарда тутиб, ижодкорлиқни ва ўқувчиларнинг шахс бўлиб етишишларига имкон берувчи ўқув муҳитини яратишдан иборат бўлган. Бизникидан фарқи ўлароқ, ДТСларда ортқча «сўзлар ўйини» йўқ!

Биз нима қилдик? Биз ДТС нима эканини англамай туриб, шундайлигича олиб келиб қўйдик. Ҳали стандартлар киритилмасдан, унинг таркибий қисми, юраги бўлган ўлчовлар технологияси – рейтинг тизимини мактабларга мажбуран олиб кирдик. ДТСнинг муҳим компоненти бўлган ўлчовлар тизими – квалиметрия ҳозиргача ҳам ишлаб чиқилмаган. Чунки балл қўйиш учун балл қўйиш – бу квалиметрия ёки рейтинг эмас.

Ҳали ДТС кирмай туриб таълимга рейтинг тизимини қўлша ҳақидаги қарор ва бу рейтингнинг ишлаш механизми ўқитувчининг ўз фаолиятдан бутунлай маҳрум қилиб, қўлдан калькулятор тушмайидиган бухгалтерга айлантириб қўйганди. Бундан ҳам тан олимларимиз керак. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу билан қандай билим ва етуқ авлоднинг етиштириш мумкин!

**ДТСнинг ҳам амалдаги «фаолият» сабаб ўқитувчининг куч-қуввати ўқувчиларга дарс беришга эмас, балки расмий ҳужжатларни жой-жойига қўйиб тўлдиришга, кимларнингдир талаб-истакларини бажаришга кетаётгани аниқ.**

Ўқитувчи ўз устида ишлаши учун нафақат ўз касбига оид илмий-оммабоп китоб, газета, журналларни, балки бадиий адабиятни кўп ўқиши, дунёқараши кенгайтириш лозим. Биз эса ўқитувчиларимизнинг янада зиёли, илмий бўлиш имконларини ҳар томонлама ўзимиз боғлаб қўйдик. Балки шунинг учундир, ўқитувчиларимизнинг асқариятининг билим ва салоҳияти жуда паст. Бу кимга фойда келтирди? Ўқитувчигами? Ўқувчигами? Жамиятгами?

### АМАЛДАГИ СТАНДАРТЛАР ҲАҚИДА

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда республикамизда амалда бўлган ДТС ишлаб чиқарилиши, тузилиши ва мазмун жиҳатидан ҳеч қайси параметрга тўғри келмайди. Давлат таълим стандартлари 1-синф ўқувчисининг ўқиш техникаси қанча бўлишини ёки математикадан неча санок сонларни билиши кераклигини белгиламайди. ДТС фанлар, предметлар, синфлар кесимида белгиламайди. ДТСда таълим соҳаларининг ўзи белгиланади ва орқали болаларнинг ўқувини, эгаллаган кўникмаси, амалда қўллаш малакаси қандай бўлиши кераклигини аниқланади.

Қоғазда бўйича ДТСда аввал таълимнинг таянч соҳалари аниқланади ва шулар билан боғлиқ ҳолда давлатнинг талаби келиб чиқади. Булар:

- билиш маданияти;
  - коммуникатив маданият;
  - эстетик ва меҳнат маданияти;
  - жисмоний тарбия (ривожланиш).
- Таълимнинг ушбу таянчлари ДТСдаги ҳар бир таълим соҳаси орқали сингдири-**

**МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:**  
Юлдузxon Назар (Юлдуз Амиржонова) – бошланғич таълим бўйича мутахассис. Узоқ йиллар Қорғи Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институтида фаолият юритган. Матбуотда илмий ва публицистик мақолалари билан чиқишлар қилиб келади.



лади. Масалан, табиий-илмий билимлар таълим соҳасини олсак, стандартда кўзда тутилган таълим мазмунини ва тузилишини билиш, коммуникативлик, эстетик, ахлоқийлик, меҳнат ва жисмоний етуқлик-ривожланиш талаблари қўйилади. Худди шу талаблар бошқа таълим соҳаларида ҳам ўз аксини топади. ДТС ўқув предметлари, синфлар кесимида эмас, балки таълим соҳалари орқали белгиланади. Бу эса унинг мақсадига хос бўлган турли муқобилликка асосланган ўқув режаларининг, дастуру ва дарсликларнинг юзага келишига, шу билан бирга, таълимнинг интеграциялашувига кенг имконият яратди. Бунинг учун аввал таълим ўқув режа ишлаб чиқишда ҳамда оммавий равишда муҳокамага қўйилиши, тасдиқдан ўтказилиши керак.

Таълим соҳасининг мазмун йўналиши илмий асосда аниқланади ва белгиланади. Унда таълим мазмунини энг қўйиб даражадан, олий таълим босқичигача, ундан сўнг эса илмий-тадқиқот ишларига, ҳаттоки, кашфиётларга чикиб боради. Таълимда узвийлик худди шу тарзда амалга ошади. Масалан, табиий-илмий билимлар таълим соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, ундаги генетика ва эволюцияга оид билимларнинг энг қўйиб даражаси кичик ешдаги мактаб ўқувчиларида инсон, ҳайвонот, ўсимликлар дунёсиде вақт ўтиши мобайлида содир бўладиган ўзгаришлар, асосий давр босқичлари (ўсиш, улгайиш) ҳақидаги билимлар бўлиши мумкин. Бунда, албатта, ўқувчиларга генетика ва эволюция деб назарий билим бериш эмас, балки шу ҳақидаги (ўсиш, улгайиш) тасавурларини ўстириш, илк дунёқараши шакллантириб бориш мақсад қилиб олинади. Шу тарзда ўсиш ва улгайиш ҳақидаги билимлар босқичча-босқич қурилиб борилаверади. Мана, ДТСнинг мақсади ва вазифалари нима уни ўз ичига олади ва қандай тарзда йўлга қўйилиши керак!

**Бизнинг ДТСда эса узвийлик йўқ. Бу, айниқса, мактабга таълим ва бошланғич таълим орасида асло сезилмайди.** Аслида, мактабга таълим ДТСларида фақат болаларнинг нуқтинги, тафаккурини ўстириш ва ривожлантириш талабидан бошқа талаб бўлмаслиги керак. Биз эса боғча болаларига 1-синфда ҳам ўқитиш мақбул бўлмаган грамматикадан, унли товушлар, бўғинлар ҳақида «билим» берамиз. Шунингдек, боғчадан бошлаб ҳарфларни, ўқишни ўргатамиз. Худди шу нарса улар мактабга чиққанларида яна тақдорланади.

Амалдаги ДТСда бошланғич таълимни, яъни 4-синф битирувчиларга А1 даража, чуқурлаштириб ўқитиладиган, ихтисослашган бошланғич таълим битирувчиларига

аса А1+даража белгиланган, худди шундай 9-синф битирувчиларига ҳам В1,В1+даража белгиланган. Бу ўзи нима? У қандай илмий асосда ишлаб чиқилди ёки Япониядан импорт қилинди? Японияда бу бошқа мақсадда – параллел синфларни яратиш кўрсатишда қўлланилган. Бунинг асрага, бошланғич таълим битирувчисига ва 9-синф битирувчисига давлат томонидан қўйилган талаблар шу даражада пастки, 9-синф битирувчиларига қўйилган талабларни 4-синф битирувчиларига қўйиш керак эди. Ҳозирги ахборот-технологиялари жадал ривожланган бир пайтда болаларимиздан шу билимларни талаб қиламизми?!

**Яна бир муаммо. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида интернет узлуксиз ишлаши, аҳоли эса ундан моддий ва маънавий тарафдан қийналмасдан фойдалана олиши керак. Компьютер, қороз ва бошқа керакли анжомлар ўқитувчи учун муаммо бўлмаслиги даркор. Лекин бизда ҳамма ўқитувчилар шундай тўқис фаолият юритяптими? Менимча, йўқ.**

Сукротнинг «Тўхтанг! Бир жойга кетишдан аввал қўлни эмас, инсонни анланг, ана шундагина биз оламни англаймиз», деган сўзлари бор. Унинг ушбу фикри бугунги кун жаҳон педагогика амалиётида ўз ўрнини топа олган десак, хато қилмаймиз. Бироқ таълимда ҳар қанча илмий қўйиллик, ҳали-ҳануз таълимга, ўқитувчига ва ўқувчига инсон эмас, фақат объект сифатида қараб келаётганимизни аниқч бўлса-да, тан олишимиз керак.

Шулардан келиб чиқиб, айрим тақлифларни билдирсак. Яъни ҳар қандай педагогик технологиялар, инновация, модернизацияларни таълим тизимига олиб киришдан аввал уларнинг оқибати шахс камолоти ва жамият тараққиётини қафоллаштириш шарт. **Бунинг Қонун сифатида кўриш керак.** Ана шундагина таълимда анархияга йўл қўйилмайди. Таълим олувчи объект сифатида эмас, субъект сифатида қараш, субъект сифатида ривожлантиришни йўлга қўйиш ва унинг ривожланганлик даражасини назорат қилиш давлат талаби бўлиши лозим. То Давлат таълим стандартлари ўз моҳиятини амалда топмагунча, урнига давлат қандай ўқувчиларни қабул қилиб олиши, давлатнинг мактаб таълимига бўлган минимал талабларини «Миллий дастур» ёки «Давлат талабининг таянч ўқув дастури» сифатида кўрсатиши лозим деб ҳисоблаймиз. Шундагина юқорида келтириб ўтилган камчилик ва муаммоларга ечим топиш мумкин.

Юлдузxon НАЗАР

**ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мақолада баён этилган мулоҳазалар муаллифнинг шахсий фикрларидир. Таълим-тарбия сифати ва таркиби ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган энг асосий омиллардан бирдир. Шу сабаб таҳририят барча учун минбар беришга тайёр. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади, оидинланади. Фикрлар фикрлардан чархланади.**



риши, сузиш пайтида лоқайдлик билан ўз кучига ортқча ишониш, нотаниш жойда ёлғиз қўйилиш, сувга тушиб кетиш ҳолларида ваҳима тушиб, ўзини йўқотиб қўйиш, чўкаётган одамга ўз вақтида қўмақ бера олмаслик натижасида сувда чўкиб кетиш ҳождасалари йўри беради.

Чўмилиш учун мўлжалланган ва руҳсат этилган сув ҳавзаларида қуйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя этиш талаб этилади:

- сув ҳавзаларида ўзи болаларнинг назоратсиз чўмилишига руҳсат бермаслик;
- кучли сув оқим бўлган жойдан сузиб ўтмаслик;
- сув ҳавзаларида қўл, оёқ, боши ушлаб олиш каби ўйинларни ўйнамаслик;
- сув ҳарорати 18 градуздан паст ва ҳаво ҳарорати 22 градуздан паст бўлган ҳолларда чўмилишмаслик;
- сув ҳавзаларида сувда сузувчи восталарда (катамаран, қайиқ ва ҳ.к.) ҳаракатланганда қўлқарув жилетсиз фойдаланмаслик;
- руҳсат берилмаган жойларда чўмилишмаслик;
- спиртли ичимликлар истеъмол қилган

### Эслатма

ҳолда сувга тушмаслик;  
– чанқаган ёки касаллик безовта қилаётган бўлса, чўмилишмаслик;  
– тошли ва нотаниш жойларга шўнғиш, сув иншоотлари ёнида чўмилиш;  
– сувда сузишни яхши ўрганмасдан туриб, оқич сув ҳавзаларида чўмилишмаслик.

Чўкаётган инсонга ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жуда муҳимдир. Чунки одамни сувдан олиб чиққач, тезда унинг оғзини шиллиқ молиб, қўм, лойка, балчиқ ёки қайт қилинганда ҳосил бўладиган массалардан тозалаш керак. Жабрланган инсоннинг оғзини пастга қилиб, тиззага ётқизилган ҳолда унинг нафас йўллари ва меъдаси сувдан олиб бўлиши учун кўкрак тезлик билан бир меъёрга эзилди. Буларнинг ҳаммасига 15 сониядан ортқ вақт кетмаслиги керак. Сўнгра оғзидан-оғзига ёки оғзидан-бурнунга суний нафас берилади. Бу усулдаги ёрдам ва 10 фоз нашатир спирти ингалавчи қилингандан кейин кўп ҳолларда инсонларнинг нафас олиши меъёрга келади.

Рихисвий СОБИРОВ,

Фўқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси, институт касба уюшмаси раиси

### Аукцион савдолари хабарномаси «BEST AUKSION SAVDO»

масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдолари «Когон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 02.07.2020 йилдаги 01/04-183-сонли бюртмасига асосан жамият ҳисобидеги – 2012 йилда и/ч. «Нексиа» русумли, д/р 80/759/В.А бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳаси – 32 409 500 сўм.**  
Аукцион савдолари 2020 йил 4 август кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилда ташкил қилинади.  
**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлар диққатига!**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртманомаси расмий иш кунлари, (шанба, якшанба) дам олиш кунларидан ташқари 03.08.2020 йил соат 16:00га қадар қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).  
**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлар:**  
– «Аукцион ташкилотчиси» билан закат пали тўғрисидаги келишув шартномасини тузиш, мулк бошқаруши баҳосининг 10 фозини миқдорда закат палиларини тўлашлари;  
– жисмоний шахслардан – паспорт нуҳаси;  
– юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нуҳаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вақил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома таъмин этилиши сўралади.  
Аукцион савдоси солиғига 10 кунлик муддат ичиде олдиде-сўдиди шартномасини тузиш мажбурияти қосилтади. Сўтувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олдиде-сўдиди шартномаси тузилганда белгиланади.  
**Заказат тўлови учун рекузитлар:** «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, СТИР: 305300366, МФО: 00115, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000300842711002.  
«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ.  
Бюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй, (2-қават). Тел.: (91) 414-97-00. E-mail: bas\_savdo@mail.ru  
**Гувоҳнома: № 576174**

Эълонлар

Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўмақ мулк кадастри томонидан Маҳмадов Хусан Тайирович номига Янгийўл тумани, А.Ортиков Қей, «Дўстлик» маҳалласидаги рақамсиз уй учун берилаган бўлса қадарст ҳужжатлари йўқолгани маълум қилинади.  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2006 йилда Худойназарова Дилором Саидсултанонова номига берилаган ВМР242210 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.  
Янгийўл қишлоқ ҳўжалик касб-хуна коллежи томонидан 2011 йилда «ЭХМ ва компьютер тармоқлари ва тизимлари» йўналиши бўйича Мукаев Феруза Искандаровна номига берилаган КМР2207190 рақамли диплом (рўйхатта олиш рақами – 13120) йўқолгани маълум қилинади.  
Янгийўл қишлоқ ҳўжалик касб-хуна коллежи томонидан 2018 йилда «Автомобиллари таъмирлаш ва техник вазимат кўрсатиш бўйича техник механик касби» йўналиши бўйича Каримжон Жаҳовир Раим ўғли номига берилаган КМР5289209 рақамли диплом (рўйхатта олиш рақами – 234) йўқолгани маълум қилинади.  
Тошкент шаҳри, Сергеев туманидаги Сергеев тиббиёт коллежи томонидан 2009 йилда «Ханшарвак ишлаш йўналиши бўйича Дурраева Шанноза Рўстем қизи номига берилаган КМР1432552 рақамли диплом (рўйхатта олиш рақами – 7775) йўқолгани маълум қилинади.

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
ISSN 2010-5008  
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатта олинган.  
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфилло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сўхроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
- (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ,
- (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлими),
- Меҳридин ШУКУРОВ,
- (Маъсул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК
- (Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
Хусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро хайъ – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий кадрияти ва спорт – (71) 256-82-79  
Халтар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва абуна – (71) 256-87-73

- www.ishonch.uz**  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.
- Худудлардаги муҳбирлар:**  
Корақаллоғистон Республикаси – (+998 99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998 99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998 99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998 99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998 99) 889-90-28  
Навоий вилояти – (+998 99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998 99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998 99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998 99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998 99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998 99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998 99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998 99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқланishi мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
Ж.Наханов

**Саҳифаловчи:**  
Х. Абдулмаллик

Босишга топшириш вақти – 21:00  
Топширилди – 21:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Бюртмага Г – 717.  
27953 нусxada босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилими:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatar@ishonch-doverie.uz

Газета хайъатининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shang» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмажонсиде чоп этилди.

**Корхона манзили:**  
Буёқ Тўрон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ispotek bank»  
Ишонобд филиали,  
банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130